

Бобур (тахаллуси; тўлик исми Захириддин Мухаммад ибн Умаршайх Мирзо) (1483.14.2, Андижон 1530.26.12, Агра) — ўзбек мумтоз адабиётининг йирик вакили: буюк шоир; тарихчи, географ; давлат арбоби, истеъдодли саркарда; бобурийлар сулоласи асосчиси, темурий шахзода.

Бобурнинг отаси — Умаршайх Мирзо Фаргона вилояти хокими, онаси — Кутлуг Нигорхоним Мўгулистон хони ва Тошкент хокими Юнусхоннинг кизи эди. Бобурнинг онаси ўқимишли ва окила аёл бўлиб, Бобурга хокимиятни бошқариш ишларида фаол кўмак берган, харбий юришларида унга хамрохлик қилган. Умаршайх Мирзо хонадони пойтахт Андижоннинг арки ичида яшар эди. Хоким ёз ойлари Сирдарё бўйида, Ахсида, йилнинг қолган фаслини Андижонда ўтказарди. Бобурнинг ёшлиги Андижонда ўтган. Бобур барча темурий шахзодалар каби махсус тарбиячилар, йирик фозилу уламолар устозлигида харбий таълим, фикх илми, араб ва форс тилларини ўрганади, кўплаб тарихий ва адабий асарлар мутолаа қилади, илмфанга, шеъриятга кизика бошлайди. Довюраллиги ва жасурлиги учун у ёшлигидан «Бобур» («Шер») лакабини олади. Бобур отаси йўлидан бориб, машхур суфий — Хожа Ахрорга ихлос кўяди ва унинг тариқати руҳида вояга етади, умрининг охирига қадар шу эътиқодга содиқ қолади. Кейинчалик, «Бобурнома» асарида Бобур Хожа Ахрор руҳи бир неча бор уни муқаррар халокатдан, хасталик ва чорасизликдан халос этганини, энг оғир шароитларда раҳнамолик қилганлигини таъкидлайди. Отаси Ахсида бевакт, 39 ёшида фожиали халок бўлгач, оиланинг катта фарзанди, 12 ёшли Бобур валиахд сифатида тахтга ўтиради (1494 йил июн).

Мовароуннахр 15-аср охирида ўзаро низолашаётган темурий шахзодалар ёки мулкдор зодагонлар бошчилик қилиб турган, деярли мустақил бўлиб олган кўпданкўп вилоятларга парчаланиб кетган эди. Мовароуннахр тахти учун кураш авжга чиққан, турли сиёсий фитналар уюштирилмоқда эди. Бунинг устига Умаршайх Мирзога тобе бир неча бек ва хокимлар ёш ҳукмдорга (Бобурга) буйсунишдан бош тортадилар. Уларнинг айримлари Бобурнинг укаларини ёқласа, баъзилари мустақиллик даъвосини қилади, яна бошқа бирлари Бобурга рақиб, бошқалари амаки, тоғаларига кўшилиб, уни жисмонан йўқотиш пайига тушади. Ўз амакиси ва тоғаси бўлмиш Султон Ахмад Мирзо билан Султон Махмудхон хуружларини даф қилган Бобур ҳукмронлигининг дастлабки 2—3 йилида мавқеини мустаҳкамлаш, бек ва амалдорлар билан ўзаро муносабатни яхшилаш, кўшинни тартибга келтириш, давлат ишларида интизом ўрнатиш каби муҳим чоратадбирларни амалга оширади. Бобурнинг дастлабки сиёсий максуди Амир Темур давлатининг пойтахти, стратегик ва географик жihatдан муҳим бўлган Самаркандни эгаллаш ва Мовароуннахрда марказлашган кучли давлатни сақлаш, мустаҳкамлаш ҳамда Амир Темур салтанатини қайта тиклашдан иборат эди. Бу пайтда, қиска муддат ичида Самарканд тахтига учинчи ҳукмдор келган эди. Султон Ахмад Мирзо вафоти (1494 йил июл) дан кейин тахтга ўтирган Султон Махмуд Мирзо Самаркандда давлатни 5—6 ойдан ортиқ идора этмади — қиска муддатли касалликдан сўнг 43 ёшида вафот этди. Унинг ўрнига Бухорода хоким бўлган ўгли Бойсунгур ўтиради. 1495—96 йилларда Бобур Самаркандга икки марта муваффақиятсиз юриш қилади. 1497 йил кузида у Самарканд атрофидаги бир қанча жойларни ва 7 ойлик камалдан сўнг Самаркандни эгаллайди, Бойсунгур Қундузга қочади. Шахар камал туфайли ниҳоятда оғир қунларни бошидан кечирмоқтса эди. Хатто эққулик дон ҳам топиш мушкул эди. Бобур кўшинни

таъминлашда катта кийинчиликларга дуч келди. Навкарларидан айримлари Андижон ва Аҳси томон кочиб кетадилар. Бунинг устига Андижонда колган айрим беклар Бобурдан юз ўгириб, унинг укаси Жаҳонгир Мирзо тарафига ўтадилар. Андижондан кўнгли нотинч бўлган ва иктисодий кийинчиликларга учраган, айти замонда огир хасталикни бошидан кечирган Бобур Самаркандни юз кун идора этгандан сўнг, уни тарк этишга қарор қилади. Аммо Хўжандга етганда Андижон ҳам қўлдан кетиб, муҳолифлар ихтиёрига ўтганини эшитади. Бобурнинг Тошкент ҳокими, тоғаси Махмудхон кўмагида Андижонни қайта эгаллашга уриниши натижа бермайди, Бу муваффақиятсизлик Бобур кўшинига салбий таъсир этиб, кўпчилик бек, навкарлар (700—800 киши) Бобурни тарк этади. Ўзига содик кишилар (200—300) билан колган Бобур маълум муддат Хўжандда тургач, Тошкентга — Махмудхон хузурига келиб, Андижонни қайтариб олиш режасини туза бошлайди. Маълум муддат ўтгач, Бобур Хўжандга қайтади, кўп ўтмай, Маргилонни қўлга киритади ҳамда Андижонни эгаллаш тадбирларини кўради. Нихоят, 2 йилдан сўнг (1498 йил июн) уни қайта қўлга киритади. Бобур укаси Жаҳонгир Мирзо билан сулх тузиб, унинг ихтиёрида «Хўжанд сувининг Аҳси тарафи вилоятларини...» қолдиради, Андижон тарафи вилоятларини ўз тасарруфига олади.

Темурийларнинг ўзаро урушлари кучайган кезларда Шайбонийхон Мовароуннахрни истило қилишга киришади. У 1499 йил Жиззах ва Самарканд орқали Қарши ва Шахрисабзгача босиб боради, катта ўлжа билан Дашти Кипчокка қайтади. Орадан кўп ўтмай, катта куч билан Мовароуннахрга қайтган Шайбонийхон Бухоро ва Қоракўлни эгаллайди (1499), Султон Али Мирзо қалтабинлик билан Самаркандни Шайбонийхонга жангсиз топширади (1500). Бирок, шаҳар аҳолиси ва зодагонларининг маълум қисми темурийлар ҳукмдорлигини тиклаш тарафдори эди. Улар Фарғона ҳокими Бобурга мактуб йўллаб, Самаркандни ишғол қилишга даъват этганлар. Бобур 1500 йил кеч қузида ўз кўшини (240 киши) билан Самаркандга етиб келгач, аҳоли унга пешвоз чиқиб, шаҳар дарвозаларини очиб беради. Шайбонийхоннинг шаҳар химояси учун қолдирган 600 нафар аскарни кириб ташланади. Шайбонийхон Бухорога чекинади. Қиска вақт ичида Самарканднинг барча туманлари, Қарши ва Гузор шаҳарларида Бобур ҳокимлиги эътироф этилади. Аммо шаҳарда озик-овқат захиралари тугаб, очарчилик бошланган эди. Бундан хабар топган Шайбонийхон катта куч тўплаб, яна Самаркандга юриш бошлайди. 1501 йил апрелда Зарафшон бўйидаги Сарипул кишлоғи яқинида бўлган жангда Бобур кўшинлари енгилди. Бобур Самаркандга чекинади. Шаҳар яна камал қилиниб, у тўрт ой давом этади. Камалда қолган шаҳар аҳолисининг очликдан тинқаси қурийдиган, Бобур 1501 йилнинг 2-ярмида ноиложликдан Самаркандни тарк этиб, Тошкентга, Махмудхон хузурига йўл олади.

Бобур Темурийлар салтанатини химоя қилиш ва уни сақлаб қолиш учун астойдил ҳаракат қилиб, Шайбонийхонга қарши бир неча йил давомида муттасил қураш олиб борсада, аммо мамлакатда ҳукм сурган огир иктисодий танглик ва сиёсий парокандалик шароитида мақсадига эриша олмади. 1503 йили Тошкент хони Махмудхон, Бобур ва қалмоқларнинг бирлашган кўшини Шайбонийхон томонидан Сирдарё бўйида тормор қилинади. Бобур Самарканд тахти учун қурашаётган пайтда Андижонни Султон Аҳмад Танбал эгаллаб олади. 1501—04 йилларда Бобур Фарғона мулкини қайтариб олиш учун Султон Аҳмад Танбал, Жаҳонгир мирзоларга қарши олиб борган қураши муваффақиятсизлик билан тугайди. Темурийларнинг тўхтовсиз жанглари ва огир солиқларидан толиққан халқ Бобурни қўлламади ва у Мовароуннахрни тарк этишга

(1504 йил июн) мажбур булади.

Бобур 200—300 навқари билан Хисор тоғлари орқали Афғонистонга ўтади ва у ердаги ички низолардан фойдаланиб Газни ва Кобулни эгаллайди. Бобур Кобулни эгаллагач, мустақил давлат тузишга жадал қиришади, кўшинни тартибга келтиради, каттик ички интизом ўрнатади. Кобулга, умуман Афғонистонга Бобур ўз юрти каби қаради, қурилиш, ободонлаштириш, қасбу хунар ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ишларини бошлаб юборади. «Боғи Шаҳроро», «Боғи Жаҳоноро», «Ўртабоғ», «Боғи вафо» ва «Боғи Бобур» каби оромгоҳлар ташкил этди. Шаҳар ичидаги Боло Хисор қалъасини ўз қароргоҳига айлантириб, уни қайта таъмирлатди, янги иморатлар қурдирди ва оиласи билан шу қалъада яшади. Унинг Хумоюн, Гулбаданбегим, Комрон ва Хиндол исми фарзандлари шу ерда тугилади. 1506 йил баҳорда вафот этган Қутлуг Нигорхоним Мирзо Улугбек шу ерда бунёд эттирган «Боғи Наврўзий»га дафн этилади. Бобур Афғонистонда бир фотиҳ сифатида эмас, балки шу юрт, эл ободонлиги ва равақи учун жон қуйдирган тадбирли ҳукмрон сифатида қизгин фаолият қўрсатди, унинг манфаатлари йўлида одилона ва оқилона иш тутди. Афғонистондаги амалий фаолиятига қўра, Бобур бутун Хуросон ва Мовароуннаҳрда қудратли давлат бошлиги ва музаффар сарқарда сифатида қатга обрў орттира борди, минтақадаги сиёсий ҳаёт эътиборли ўринга қўтарилди. Шайбонийларнинг тобора қучайиб бораётган юришига қарши бирқалқда чора қўриш масаласида Султон Хусайн Бойқаро барча теуурий ҳукмдорлар қаторида Бобурни ҳам маслаҳат йигинига маҳсус тақлиф этиши ана шундай юқсак нуфузни қўрсатувчи далилдир. Бобур шу тақлиф бўйича Хиротга отланади. Хусайн Бойқаронинг тўсатдан вафот этишига (1506) қарамай, у Хиротга боради ва теуурий ҳукмдорлар билан учрашиб музоқаралар ўтқазади. Теуурий ҳукмдорларнинг бирлашиб Шайбонийхон қўшинларига тўсик қўйиш режалари амалга ошмайди ва тез орада биринкетин мағлубиятга учраб, салтанатни батамом қўлдан чиқарадилар. 1507 йил бошларида Бобур Хиндистонга юриш бошлайди. Аммо, бу уриниши муваффақиятсиз тугаб, яна пойтахт Кобулга қайтади. Бобур Мовароуннаҳр ва Хуросондаги сиёсий вазият ва уруш ҳаракатларини қузатиб боради, ўз қўшинларини доимо шай тутди. Шайбонийхон Хуросоннинг йирик марказларини қўлга қиритқач, Эронни забт этиш учун юриш бошлайди. Аммо, Эрон шоҳи Исмоил Сафавий билан каттик тўқнашувда (1510) енгилади, ўзи ҳам Марвда ҳалок бўлади. Шоҳ Исмоил Хуросон ва Мовароуннаҳрга қўшин қиритиб шайбонийларга қетма-қет шикаст етқаза бошлайди. Бобур шоҳ Исмоил билан ҳарбий-сиёсий иттифок тузиб, 1511 йил баҳорида Хисорни, ёзида Бухорони, окт. бошида эса Самарқандни яна қўлга қиритади. Бобурнинг шиа мазҳабидаги эронийлар раъйи билан иш тутиши аҳолида норозилик тугдиради. 1512 йил 28 апр.да Қўли малик жанғида Убайдулла Султон бошлиқ шайбонийлардан енгилган Бобур Хисор томон қетади. 1512 йил қузида Бобур шоҳ Исмоил юрган Нажми Соний лақабли лашқарбоши билан Балхда учрашиб, Амударёдан қечиб ўтиб, аввал Хузар (Гузор) қалъасини олади, сўнг Қаршига юриш қилади, шаҳар узок муддатли қамалдан сўнг тақлим бўлади, шаҳар химоячилари каттик қазоланади. 1512 йил 24 ноябрда Гиждувон жанғида Бобуршайбонийлардан яна енгилиб, Кобулга қайтишга мажбур бўлади. Бобур Мовароуннаҳрни эгаллаш илинжидан узилқесил умидини узади ва бутун эътиборини Хиндистонга қаратади. 1519 йил баҳорига қелиб Бобур Хиндистонни забт этиш режаларини амалга оширишга қиришади ва кейинги 5—6 йил давомида бир неча юришлар уюштиради. Ниҳоят, 1526 йил апр.да Панипатда асосий рақиби, Дехли султони Иброҳим Лўдийнинг юз минг

кишилик кўшинини 12 минглик аскар билан тормор килади ҳамда Дехлини эгаллайди. Орадан кўп ўтмай, иккинчи йирик хинд саркардаси Рано Санго устидан ҳам зафар қозониб, Шим. Хиндистоннинг Бенгалиягача бўлган қисмини ўзига бўйсундиради. Аграни ўзига пойтахт сифатида танлаган Бобур катта қурилиш ва ободончилик ишларини бошлаб юборади. Шу тариқа Бобур Хиндистонда уч ярим асрга яқин ҳукм сурган қудратли бобурийлар сулоласига асос солади.

Бобур Хиндистонда ҳам, худди Афғонистонда бўлганидек, кўплаб ижтимоий-хайрли ишларни амалга оширди, мамлакат таракқиётига жиддий таъсир кўрсатди. Тарқоклик ва парокандаликка, ўзаро ички низо, қирғинларга барҳам бериб, вилоятларни бирлаштирди, марказлашган давлатни мустақкамлаш ва юртни ободонлаштиришга, илму ҳунар ва дехқончиликни ривожлантиришга катта эътибор қаратди. Қурилиш ишларига бошчилик қилди.

Бобурнинг ўз гувоҳлигига кўра, шоир сифатида ижодий фаолияти Самарқандни иккинчи марта эгаллаган вақтда бошланган; «Ул фурсатларда бирориккирар байт айтур эдим», деб ёзади у. Бобур Самарқанддалигининг илк ойларида Алишер Навоий ташаббуси билан улар ўртасида ёзишма бошланади. Бобур атрофида ижодкорлар тўплана бошлади ҳам шу йилларга тўғри келади. Жумладан, Биноий, Абулбарака ва Бобур ўртасидаги рубоий мушоираси Самарқанддаги қизгин адабий ҳаётдан дарак беради. Умуман, давлат арбоби ва кўп вақти жангу жадалларда ўтган саркарда сифатида ижтимоий фаолиятининг энг қизгин даврида ҳам, шахсий ҳаёти ва давлати ниҳоятда мураккаб ва хатарли шароитда қолган чоғларида ҳам Бобур ижодий ишга вақт топа билган, илм, санъат ва ижод ахлини ўз атрофига тўплаб, хомийлик қилган, уларни рағбатлантирган.

Ўтмиш адабиёт ва тарих, мусика ва санъатдан яхши хабардор бўлган, диний таълимотга чин ихлос қўйган Бобур ҳар доим олиму фозиллар даврасида бўлди, хусусан ижод ахлига, қасбу ҳунар соҳибларига самимий эҳтиром кўргазиб хомийлик қилди, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириб турди. Ижод ва санъат ахлига бундай меҳрли муносабат асло бежиз бўлмаган. Бобур табиатан ижодкор эди. Йигитлик йилларидан бошлаб то умрининг охиригача самарали ижодий иш билан шугулланди, ҳар қандай шароит ва вазиятларда ҳам ижоддан тўхтамади, натижада, ҳар жихатдан муҳим бой илмий ва адабий мерос қолдирди.

Бобур 18—19 ёшларида рубоий ва газаллар ёза бошлаган. Унинг «Топмадим» радиқли газали ва «Ёд этмас эмиш кишини гурбатда киши» мисраси билан бошланувчи рубоийси ўша йиллардаги ҳаёти билан боғлиқ.

Бобурнинг улкан санъаткорлиги шундаки, шахсий кечинмаларини жиддий умумлашма даражасига кўтара олади ва натижада асарларида олға сурилган гоёлар умуминсоний қадриятлар даражасига кўтарилади. Бобур ижодида, хусусан, шеъриятида қиндик қони тўқилган она юртини қилдиладан қўмсаш, унинг тупроғига талпиниш, қариблик азобларидан ўтли ҳасрат, ёру қиёр соғинчи ва висол илинжи, тақдир қарбалари ва турмуш қубатлари, қамона носозликларидан нола қадий таҳлил этилади.

Бобур ижодида ишқмуҳаббат, севқисадокат, висол ва қижрон қавзуи ҳам қалмоқли ўрин тутди. Унинг қазал ва рубоийларида, туюқ ва қаснавийларида қашуқанинғ қалқунқор қўзаллиғи, қеқиёс қусну латоқати, шарқона одобу ахлоқи, нозу қарашмаси енғил ва ўиноқи, мусиқий ва равон қисраларда қатта қаҳорат билан тараннум этилади. Бобурнинг ўз шеърӣ асарларини тўлаб, девон қолиға қелтирган қанани қўрсатувчи аниқтарихӣ қашлуқотлар қашлуқ эмас. Аммо «Бобурнома»нинг 1518—19 йиллар

вокеалари баёнига багишланган фаслида Бобур девонини Кобулдан Самаркандга юборганлиги тўғрисида сўз боради. Демак, шу йилларда унинг девонига тартиб берилган ва мазкур девон Мовароуннахрда ҳам тарқалган.

Хозирда унинг 119 газали, бир масну шеъри, 209 рубойси, 10 дан оптик туюк ва китъалари, 50 дан ортик муаммо ва 60 дан зиёд фардлари аниқланган. Девони таркибида умумий хажми 270 байтдан иборат 8 маснавий ҳам ўрин олган.

Хиндистон юришлари даври (1521)да Бобур «Мубаййин» асарини яратди. Маснавий тарзида ёзилган, ислом ҳуқуқшунослиги ва шариат ақидаларига багишланган бу асарда Мовароуннахр ва Хиндистонга оид ўша давр ижтимоийиктисодий ҳаёти бўйича кизикарли маълумотлар ҳам жамланган. Валиахд Хумоюн ва Комрон Мирзоларга дастуруламал сифатида мўлжалланган «Мубаййин»да, айтилганда, намоз, закот ва хаж зиёрати тўғрисида ҳам шаръий мезонлар баён қилинган. Шу йилларда Бобур Шарк шеъриятининг асосий масалаларидан бири аруз вазни, унинг назарияси ва амалиётига оид илмий рисоласини яқунлайди. Бобур номини дунёга машҳур қилган шох асари «Бобурнома» устидаги ижодий ишини 1518—19 йларда бошлаган (қ. «Бобурнома»). Бобурнинг юкорида келтирилган асарларидан ташқари, «Хатти Бобурий», шунингдек мусика санъати ва харб ишларига махсус багишланган катор рисолалари ҳам бўлган. Аммо кейинги икки асар матни хануз топилган эмас. «Хагги Бобурий»да муаллиф араб алифбосини таҳрир этиб, ёзувни соддалаштириш ва осонлаштириш мақсадида уни туркий тил ва талаффуз мезонларига мослаштирган.

1526 йил 21 декабрда Бобурга қарши суикасд уюштирилади. Махв этилган Иброҳим Лўдийнинг онаси ошпазлар билан тил бириктириб, унинг овқатига захар кўштиради. Шунинг асоратими ёки кўп йиллик машаққатли ва кўнимсиз ҳаёт таъсирими, хар ҳолда кейинги йилларда Бобур тез-тез касалга чалиниб туради. 1527 йил октябрда Бобур яна хасталикка учрагач, умрининг охирига қолганини хис этади. Шунда Бобур ўзи эътиқод қўйган Ҳожа Аҳрор Валий руҳидан нажот тилаб, ихлос билан унинг насрда битилган «Волидия» асарини шеърий таржима қилади. Бобурнинг мохир таржимон сифатидаги қобилияти намоён бўлган 243 байтли бу асар катта ижодий илхом билан жуда қисқа муддатда яқунланган. Бобурнинг ўз эътирофича, таржима тугаши ҳамонқ батомом соғайиб кетган. Бу йилларда у «Бобурнома» фасллари устида ишлашни давом эттирди, янги янги газалрубойлар яратди, ўз ибораси билан айтганда, «Хиндистонга келгани айтқон ашъорни» тартибга солиб, шунингдек, «Волидия» таржимасини, «Хатти Бобурий» билан битилган намуна ва китъаларни Мовароуннахр ва Афғонистонга, Хумоюн, Ҳожа Калон, Хиндол ва б.га юборди. Хумоюн Мирзога аталган ижтимоияхлокий масалаларни таҳлил этувчи машҳур мактуби ҳам Бобур ижодий фаолиятининг ёркин қирраларидан бири бўлди.

Бир неча муддат олдин подшоликни Хумоюнга топширган Бобур 47 ёшида ўзи асос солган салтанат пойтахти Аграда вафот этди ва ўша ерда дафн этилди, кейинчалик (1539), васиятига мувофиқ хоки Кобулга келтирилиб, ўзи бунёд эттирган «Боги Бобур»га қўйилди (қ. Бобур макбараси).

Бобур Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг ўз юртида хақиқий кадрқимматтопти. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида кўра 1993 йилда Бобур таваллудининг 510 йиллиги тантанали нишонланди. Андижон ш.да Бобур номида унт, театр, кутубхона, миллий бог («Боги Бобур») бор. Бобур миллий боги мажмуаситса «Бобур ва жаҳон маданияти» музейи, шоирнинг рамзий қабрмакбараси бунёд этилган. Шаҳар марказида (муаллифи Равшан Миртожиёв) ва Бобур боғидаги

ёдгорлик мажмуида (муаллифи Кодиржон Салоҳиддинов) шоирга хайкал ўрнатилди. Андижондаги марказий кўчалардан бирига, шунингдек Тошкентдаги истирохат боги ва кўчага, Андижон вилояти, Хонобод шаҳридаги истирохат боғига Бобур номи берилди. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Бобур номидаги медали таъсис этилди. Шаркшунос олим Убайдулла Каримов бу медалнинг биринчи совриндори бўлди. Андижонлик табиатшунос олим Зокиржон Машрабов раҳбарлик қиладиган Халқаро Бобур жамгармаси (1993.23.12) Бобур ижодини ўрганишда катта ишларни амалга оширди. Жамгарманинг илмий экспедицияси 10 дан ортиқ Шарк мамлакатлари бўйлаб автомобилда илмий сафарлар уюштириб, 200 минг км дан ортиқ масофани босиб ўтди, Бобур ва бобурийлар қадамжолари, уларнинг илмий меросига оид янги маълумотлар тўплаб, уларни илмий истеъмолга киритди. Мазкур маълумотлар асосида 10 дан зиёд илмий, хужжатли, бадиий асарлар (З. Машрабов, С. Шокаримов: «Асрларни бўйлаган Бобур»; С. Жалилов: «Бобурнинг Фарғона давлати», «Бобур ва Андижон»; Камчибек Кенжа: «Хинд сориға»; Х. Султонов: «Бобурнинг тушлари», «Бобурийнома»; Р. Шамсуддинов: «Бобурийлар изидан», «Бобурийлар сулоласи»; Т. Низом: «Уч сўз»), 10 га яқин хужжатли, видеофилмлар (Ф. Расулов: «Бобур изидан», «Муқаддас қадамжолар»; Т. Рўзиев: «Бобур саломи», «Бобур номидаги Халқаро илмий экспедиция»; Т. Хамидов: «Ифтихор» ва х.к.) яратилди. Жамгарманинг Лоҳур (Покистон), Хайдаробод (Хиндистон), Абу Даби (Бирлашган Араб Амирликлари), Москва (РФ), Ўш (Киргизистон), Тошкент, Наманган (Ўзбекистон) шаҳарларида бўлимлари мавжуд. 1998 йил Жамгарманинг бобуршунослик соҳасидаги халқаро муқофотлари илк марта Пиримкул Кодиров, Сабоҳат Азимжонов, Гайбуллоҳ асСалом, Неъматилла Отажонов, Хайриддин Султонов, Эйже Мано (Япония), Мухаммадали Абдуқундузов, Максуд Юнусов, Шафика Ёркин (Афғонистон), Маъмуржон Тўхтасинов, Равшан Миртожиёв, Мажид Турсунов, Раҳмонжон Азимов, Мухаммаджон Мирзаёвга берилди.  
*Абдулаҳад Мухаммаджонов,  
Абдурашид Абдугафуров.*

\* \* \*

Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим,  
Кўнглумдин ўзга маҳрами асрор топмадим.

Жонимдин ўзга жонни дилафкор кўрмадим,  
Кўнглум киби кўнгулни гирифторм топмадим.

Усрук кўзига токи кўнгул бўлди мубтало,  
Харгиз бу телбани яна хушёр топмадим.

Ночор фуркати била хўй этмишам, нетай,  
Чун васлига ўзумни сазовор топмадим.

Боре борай эшигига бу навбат, эй кўнгул,

Нечаки бориб эшигига бор топмадим.

Бобур, ўзунгни ўргатакўр ёрсизки, мен  
Истаб жахонни мунча килиб ёр топмадим.

\* \* \*

Ким кўрубтур, эй кўнгул, ахли жахондин яхшилиг,  
Кимки ондин яхши йўк, кўз тутма ондин яхшилиг.

Бу замонни нафъи килсам айб килма, эй рафик,  
Кўрмадим харгиз, нетайин, бу замондин яхшилиг.

Дилраболардин ёмонлик келди махзун кўнглума,  
Келмади жонимга хеч ороми жондин яхшилиг.

Эй кўнгул, чун яхшидин кўрдунг ёмонлиг асру кўп,  
Эмди кўз тутмок не яъни хар ёмондин яхшилиг.

Бори элга яххшилиг килгилки, мундин яхши йўк  
Ким, дегайлар дахр аро колди фалондин яхшилиг.

Яхшилиг ахли жахонда истама Бобур киби,  
Ким кўрубтур, эй кўнгул, ахли жахондин яхшилиг.

\* \* \*

Не вафо умрумда ул жону жахондин кўргамен,  
Ким вафо жондин кўрубдурким, мен ондин кўргамен.

Кўз йўлидин ул сари хуснун назар айлар эдим,  
Кон ёшим ул йўлни тутти, эмди кондин кўргамен.

Ёраб, ул кун шум толиъдин манга бўлгаймуким  
Жонима ором ул ороми жондин кўргамен.

Кўз кўрар, лекин солур мени балога бу кўнгул,  
Бу балони неча чашми хунфишондин кўргамен.

Бартараф килгил вафо истарни элдин, Бобуро,

Ул галатдурким, вафо ахли жахондин кўргамен.

\* \* \*

Сендек менга бир ёри жафокор топилмас,  
Мендек сенга бир зори вафодор топилмас.

Бу шаклу шамойил била худ хуру парий сен  
Ким, жинси башар ичра бу микдор топилмас.

Агёр кўз оллидаку ул ёр аён йўк,  
Гамхоре кўнгул ичраю гамхор топилмас.

Эй гул, мени зор этмаки, хуснунг чаманида  
Кўзни юмуб очкунча бу гулзор топилмас.

Бобур, сени чун ёр деди, ёрлиг этгил,  
Оламда кишига йўк эса ёр топилмас.

\* \* \*

Чархнинг мен кўрмаган жабру жафоси колдиму?!  
Хаста кўнглим чекмаган дарду балоси колдиму?!

Мени хор этти-ю килди муддаини парвариш,  
Дахри дунпарварнинг ўзга муддаоси колдиму?!

Мени ўлтурду жафои жавр бирла ул куёш,  
Эмди тургузмак учун меҳру вафоси колдиму?!

Ошик ўлгоч кўрдим ўлимни ўзимга, эй рафик,  
Ўзга кўнглимнинг бу оламда хароси колдиму?!

Эй кўнгул, гар Бобур ул оламини истар, килма айб,  
Тенгри учун де бу оламнинг сафоси колдиму?!

\* \* \*



Гурбату хижронга колдим, ох ул жон илгидин,  
Жонга еттим эмди гурбат бирла хижрон илгидин.

Кўрсатур гах тийгу гах ўк холатимни билмайин,  
Не балолар кўрадурман ёри нодон илгидин.

Эл фиғонимдин бажону мен бу жондин, эй ажал,  
Кил халос элнию мени жону афгон илгидин.

Бобур, ул ой хажрида ишинг баче душвор эди,  
Шукрким, куткарди ўлум сени осон илгидин.

\* \* \*

Ёр юзумни кўруб дарду гамим билса керак,  
Юз кўруб дарду гамим чорасини килса керак.

Эй сабо, жону кўнгулни ўзининг чун килди,  
Кўнгли бирла дегасен жони учун келса керак.

Васлини не килайин гайрдин айрилмади хеч,  
Ёр васли менга, у агёрдин айрилса керак.

Васлининг кадрили чун билмади бу телба кўнгул,  
Хажрининг тийги анинг юрагини тилса керак.

Шукр Бобурни билурмен деган эрмиш ул ой,  
Ложарам бандаларин шохлари билса керак.

\* \* \*

Сочининг савдоси тушти бошима бошдин яна,  
Тийра бўлди рўзгорим ул каро кошдин яна.

Мен худ ул тифли парийвашга кўнгул бердим, вале  
Хонумоним ногахон бузулмагай бошдин яна.

Юз ямонлиг кўруб андин телба бўлдунг, эй кўнгул,  
Яхшилигни кўз тутарсен ул паривашдин яна.

Тош урар атфол мени, уйда фориғ ул парий,  
Телбалардек кичкирурмен хар замон тошдин яна.

Оёгим етгунча Бобурдек кетар эрдим нетай,  
Сочининг савдоси тушти бошима бошдин яна.

\* \* \*

Кўнгулга бўлди ажойиб бало каро сочинг,  
Шикаста кўнглума эрмиш каро бало сочинг.

Муяссар ўлди жунун мулки, эй жунун ахли,  
Нисори ашкни эмди бу кун манго сочинг.

Сочинг шикастида бордур шикаста кўнгуллар,  
Кўнгуллар очилур, очилса ул каро сочинг.

Очилди кўнгли, чу очтинг сочингни, Бобурнинг,  
Не айб, агар деса дилбанду дилкушо сочинг.

\* \* \*

Балойи ишкки, хар дам манда жафоедур,  
Бу ишдин кеча олмон ажаб балоедур.

Хати лабига туташ бўлса, эй кўнгул, не ажаб,  
Ки Хизр чашмайи хайвонга рахнамоедур.

Ярар бу хаста кўнгул дардига ўкин яраси,  
Магарки хар яраси ёрнинг давоедур.

Бахор фаслидуру май хавоси бошимда,  
Аёк тут менга сокийки, хуш хавоедур.

Ул ой ракибга бўлди рафику Бобурнинг  
Рафику хамдами хажринда оху воедур.

\* \* \*

Кўзумда муттасил ул эгма кош керак бўлса,  
Кошимда кўз ёруги ул куёш керак бўлса.

Сужуд вақтида меҳроб бўлмасун харгиз  
Ки, бош кўярда ўшал эгма кош керак бўлса.

Хабиб ишкида бошдин кеч, эй кўнгул, йўк эса,  
Бу йўлга кўйма аёк санга бош керак бўлса.

Кўюб аёгига бош, сўрса лаълидин хар ким,  
Бошига туфроку огзига тош керак бўлса.

Сенинг била бари эл нохуш ўлса, эй Бобур,  
Не бўлгуси санга, ул ёри хуш керак бўлса.

\* \* \*

Улки менга ёри дилнавоз кўрунду,  
Жаврин кўрсатти кўпу оз кўрунди.

Бўлди бошим паст пойбўсида охир,  
Гарчи бурун асру сарафроз кўрунди.

Сенинг учун улки бошин ўйнамади ҳеч,  
Сенга ажойибки ишкбоз кўрунди.

Ишк боринда салоху тавбаву такво  
Барчаси таҳкик бил мажоз кўрунди.

Душманно жон ўлди, не килай, санга, Бобур,  
Улки менга ёри дилнавоз кўрунди.

\* \* \*

Не кўрай тўбини кадди хушхироминг борида,  
Не килай сунбулни хатти мушфоминг борида.

Ким Хизр суйин огизлагай лабингнинг кошида,

Ким Масих алфозидин дегай каломинг борида.

Ошикингни давлатин васлинг била кил мухтарам,  
Хусн ахли ичра мунча эхтироминг борида.

Биздин айру доим эл бирла ичарсен бодани,  
Бизни хам гоҳе согин шурби мудоминг борида.

Эй кўнгул, гар гайр сўзи захри котилдур, не гам,  
Лабларидин шарбати юхи-ил изоминг борида.

Тарки номус айлабон бадном бўлгил ишк аро,  
Ким сени ошик дегай номусу номинг борида.

Бобур ул гул кўйида булбул киби топтинг маком,  
Бир навое рост кил мундок макоминг борида.

\* \* \*

Сенинг ишкинга, эй номехрибон, бехонумон бўлдим,  
Деман бехонумон овворайи икки жахон бўлдум.

Лабинг гар бермаса бўса нечук жон элта олгаймен,  
Бу йўлдаким, адам сахросига эмди равон бўлдум.

Сўруб ул ой лабидин огзининг рамзини англадим,  
Бир огиз сўз била кўрунги мунча хўрдадон бўлдум.

Нечаким коши ёлар ишкида тузлукни кўрсаттим,  
Вале охир маломат ўкларига-ўк нишон бўлдум.

Кулар эрдим бурун Фарходи мискин достонига,  
Бу Шириндурки онинг бирла-ўк хамдостон бўлдум.

Висолинг давлатига етмасам Бобур киби, не тонг,  
Ки хажринг мехнатида асру зору нотавон бўлдум.

\* \* \*

Ким кўрар хуршидни, ул мохсиймо бўлмаса,

Ким сўрар шаққарни, ул лаъли шақархо бўлмаса.

Гул тикандур кўзларимга ул юзи гулдин йирок,  
Сарв ўқдур бағрима ул сарв боло бўлмаса.

Жаннату-л-маъвони, эй зоҳид, нетай мен зорким,  
Истарам кўйидин ўзга манга маъво бўлмаса.

Тиймагил девона кўнглумники, расво бўлма деб,  
Ошиқ ўлгайму эди ул телба расво бўлмаса.

Гар бошингни кессалар ишкида, эй Бобур, сенинг,  
Ёрдин кўнглунг керакким ўзга катъо бўлмаса.

\* \* \*

Яна кўз уйида маъво килибсен,  
Кўнгул кошонасида жо килибсен.

Яна савдойи зулфингдин, нигоро,  
Мени ошуфтаву шайдо килибсен.

Гаминг йўқ жон агар берсам гамингда,  
Ўзунгни мунча бепарво килибсен.

Кошингдин мени ўқдек ташлар учун  
Янги ойдек кошингни ё килибсен.

Кўзумдин ёшуриб, эй баҳри алтоф,  
Кўзумнинг ёшини дарё килибсен.

Согинмас жаннату-л-маъвони Бобур,  
Онинг кўнглида то маъво килибсен.

\* \* \*

Жонима ўт солди ул рухсорайи зебо яна,  
Кўнглума ул зулф бўлди мойи савдо яна.

Кўрсатиб рухсору зулфин ул парий пайкар манга,

Жону кўнглумни килибдур волаву шайдо яна.

Ёр кўйиндаги том сенсен манга пушти панох,  
Сояйи лутфунгни сол, чун санга келдим то яна.

Шодликнию фарогатни кўюб ошик бўлиб,  
Мехнату гамни килибмен ўзума пайдо яна.

Ёрга кулмен дегач Бобурни расво айлади,  
Тенгри мендек бандасини килмасун расво яна.

\* \* \*

Бир парий мен телбани хуснига мойил килгудек,  
Кўзум ичра ер тутуб кўнглумда манзил килгудек.

Кўнглумизга жавр беҳад килди ул номехрибон,  
Жонима юз минг гаму мехнатни хосил килгудек.

Нотавон кўнглумга ишки кайгуни келтургудек,  
Айшу ишратни кўнгулдин кайгурур эл килгудек.

Килмади Фарходу Мажнун ўзни расво мен киби  
Ким, бу навъ иш иш эмасдур хеч окил килгудек.

Ул парий ишкида Бобур жон бериб, эй ахли ишк,  
Ишк атворини ишк ахлига мушкил килгудек.

\* \* \*

Янги ой ёр юзи бирла кўруб эл шод байрамлар,  
Манга юзу кошингдин айру байрам ойида гамлар.

Менинг бу тори мў янглиг танимга тоблар солди  
Ул ойнинг юзида сунбул киби зулфидаги хамлар.

Хавога дуди охин тутратур ишк ахли гайратдин,  
Сабо тахрикидин хар гах паришон бўлса парчамлар.

Очилди зулфию хайлар намудор ўлди юзинда,  
Гул узра чун бўлур пайдо кеча очилса шабнамлар.

Мену гам кунжию оху фиғони ашку хунолуд,  
Не хушдур гўшайи холий, майи софию хамдамлар.

Кўнгулни ишк бузди, не осиг панду насихатдин,  
Менинг мажрух кўнглумга ярашмас ушбу мархамлар.

Юзи наврўзи, асли ийдни Бобур ганимат тут  
Ки, мундин яхши бўлмас бўлса юз наврўзу байрамлар.

\* \* \*

Тишинг дур, лабинг маржон, хадинг гул, хатинг райхон,  
Юзунг хур, сочинг анбар, сўзунг мул, менгинг мейнон.  
Мейнон менгинг, сўзинг мул, анбар сочинг, юзунг хур,  
Райхон хатинг, хадинг гул, маржон лабинг, тишинг дур.

Тафохур кўзум, кўнглум килурлар магар бордур,  
Кўзунга кўнгул вола, юзунга кўзум хайрон.  
Хайрон кўзум юзунга, вола кўнгул кўзунга,  
Бордур магар, килурлар кўнглум, кўзум тафохур.

Тафаккур неча килсам топилмас сенинг мислинг,  
Парийдек сени кўрдум эмассен маган инсон.  
Инсон магар эмассен, кўрдум сени парийдек,  
Мислинг сенинг топилмас килсам неча тафаккур.

Балодур манга хажринг, даводур манга васлинг,  
Итобинг манга офат, хадисинг манга дармон.  
Дармон манга хадисинг, офат манга итобинг,  
Васлинг манда даводур, хажринг манга балодур.

Чу Бобур санга кулдур назар кил анга зинхор,  
Топилмас яна бир кул анингдек санга, эй жон.  
Эй жон санга анингдек, бир кул яна топилмас,  
Зинхор анга назар кил, кулдур санга чу Бобур.

\* \* \*

Очилик икки сочи юзига ёйилмишлар,  
Ёрук жахонни кўзумга каронгу килмишлар.

Чагир багри конидур барча ишк ахлига,  
Зихи аларки, бу майдин даме ойилмишлар.

Не килсам айлама, эй ёр, айбким, менда  
Жунуни ишку йигитлик бори котилмишлар.

Салохга хирад ахли мени ёвук дерлар,  
Кўрунгки ушбу чечанлар йирок янгилмишлар.

Не суд ишни элдин ёшурмок эй Бобур,  
Чу холатингни бори олам ахли билмишлар.

\* \* \*

Келтурса юз балони ўшал бевафо манга,  
Келсун, агар юзумни эвурсам, бало манга.

Неткаймен, ул рафик билаким, килур базе  
Мехру вафо ракибга жавру жафо манга.

Бегона бўлса акл мени телбадин, не тонг,  
Чун бўлди ул парий сифатим ошно манга.

Оху ёшимдин ортадурур заъф, эй табиб,  
Билдим ярашмас эмди бу обу хаво манга.

Дардим кўруб муъолажада зойиъ этма умр  
Ким, жонда дарди ишкдурур бедаво манга.

То ёр кимни истару кўнглина ким ёкар,  
Ташвиши бежихатдурур охир санга, манга.

Бобур бўлубтурур ики кўзум йўлида тўрт,  
Келса не бўлди кошима бир-бир манга-манга.

\* \* \*

Хати бинафша, хади лола, зулфи райхондур,  
Бахори хуснда юзи ажаб гулистондур.

Энги, менги ою даги юзи, сўзи гулу мул,  
Кади равону тани жону эрни маржондур.

Кошида чин, кўзида кийну ангабин лабида,  
Сўзида захру лекин тилида дармондур.

Кошингга кўп бора олмон, нетай ораликда,  
Ёшим тишинг дуридин айру бахри уммондур.

Ўтумни тез этасен хар тарафга секритиб от,  
Саманди ноз инонини бир бери ёндур.



Не навъ васф килай сувратинг латофатини  
Ки, хуснунга сенинг, эй рух, акл хайрондур.

Жафову жавр агар килса, Бобуро, нетайин,  
Не ихтиёр манга, харне килса султондур.

\* \* \*

Сўрма холимники бўлдум бурногидин зоррок,  
Жисм жондин зору жоним жисмдин афгоррок.

Банда тақрир айлай олмон банд-бандим дардини,  
Юз темур банд ўлса ондин бу эрур душворрок.

Масту беҳудлик била унрунгни ўткардинг, дариг,  
Эй кўнгул, мундин бери бўл бир нима хушёррок.

Гафлат уйкусидин уйгон, гар тилар бўлсанг мурод,  
Ким етар максадга хар ким, бўлса ул бедоррок.

Ўлгали еттим, менинг жоним гамин е, эй рафик,  
Дахр аро чун йўк киши сендин манга гамхоррок.

Келмас ўхшар захматинг ислохга, Бобур, магар  
Хар давоким килдилар бўлдунг даги беморрок.

\* \* \*

Заъфдин гўё менинг бу зор жисмим нолдур  
Ким, анинг шархин демакта хома тили лолдур.

Заъфлик жисмим била бу нотавон кўнглум аро  
Дарди ёр эрканга ушбу эгма каддим долдур.

Мен дамодам кон ютармен хажр аёгидин, нетай,  
Ўзгаларнинг жоми васли гарчи молломолдур.

Зулфига вобастамен васлига йўкдур дастрас,  
Эй хуш ул озодаким, бекайду фориғболдур.

Ул парийдин мен нечук жон элтайинким, Бобуро,  
Васли мушкил, хажри мухлик, гамзаси каттолдур.

\* \* \*

Ўлум уйкусига бориб жахондин бўлдум осуда,  
Мени истасангиз, эй дўстлар, кўргайсиз уйкуда.

Неким тақдир бўлса, ул бўлур тахкик билгайсиз,

Эрур жангу жадал, ранжу риёзат барча бехуда.

Ўзунгни шод туткил, гам ема дунё учун зинхор  
Ки, бир дам гам емакка арзимас дунёи фарсуда.

Замона ахли ичра, эй кўнгул, оё топилгайму,  
Сенингдек дард паймову менингдек дард паймуда.

Улусдин тинмадим умримда харгиз лахзае, Бобур,  
Магар ўлсам бу олам ахлидин бўлгаймен осуда.

\* \* \*

Каро зулфинг фирокинда паришон рўзгорим бор,  
Юзунгни иштиёкида не сабру не карорим бор.

Лабинг багримни кон килди, кўзимдин кон равон килди,  
Нечун холим ёмон килди, мен андин бир сўрорим бор.

Жахондин менга гам бўлса, улусдин гар алам бўлса,  
Не гам юз мунча хам бўлса, сенингдек гамгусорим бор.

Агар муслихмен ар мусфид, ва гар ошикмен ар обид,  
Не ишинг бор сенинг зоҳид, менингким ихтиёрим бор.

Фигоним ошди булбулдин, гами йўк зарра бу кулдин,  
Басе Бобур, ўшал гулдин кўнгулда хорхорим бор.

\* \* \*

Ўзни , кўнгул, айш билан тутмок керак,  
Бизни унутконни унутмок керак.

Айшу тараб гулбунига сув бериб,  
Гусса ниҳолини курутмок керак.

Тийра турур зухд дамидин кўнгул,  
Ишк ўти бирла ёрутмок керак.

Хар нимага гам ема, гам кўп турур,  
Айш била ўзни унутмок керак.

Кўйма машаккат аро, Бобур, кўнгул,  
Ўзни фарогат била тутмок керак.

\* \* \*

Не хуш бўлгайки, бир кун уйкулук бахтимни уйготсам,  
Кечалар тори мўйидек белига чирмашиб ётсам.

Гахи гулдек юзини ул шакар сўзлукни исласам,  
Гахи шаққар киби ул юзи гулнинг лаълидин тотсам.

Кани Ширин била Лайлики сендин ноз ўрганса,  
Кани Фарходу Мажнунким, аларга ишқ ўргатсам.

Ёрук кундуз, коронгу кечада анжум киби бўлгай,  
Чекиб гар ох дудини кўнгул ўтини тутратсам.

Кўзум равшанлигида бўлгай, Бобур, басе камлик,  
Агар қоши била юзун хилолу кунга ўшатсам.

#### РУБОИЙЛАР

Жоно, битигингки, бўлди маркум манга,  
Меҳнат била гамни килди маъдум манга.  
Кўргач ани гарчи шод беҳад бўлдум,  
Мазмуни, вале, бўлмади маълум манга.

\* \* \*

Не ишрату айш учун майи ноб манга,  
Не тоат учун гўшаи меҳроб манга,  
Не фиск килурга бордур асбоб манга,  
Не зоҳид ўлурга тоқату тоб манга.

\* \* \*

То бўлгали дилдор ўшал ой манга,  
Холимни билиб, килмади парвой манга.  
Мен асру харобу ёр кўп мустағний,  
Эй вой манга, вой манга, вой манга!

\* \* \*

Хуш улқи, кўзум тушти сенинг кўзушта,  
Бевосита холимни десам ўзунгга,  
Бермай сўзума жавоб ачигланасен,  
Килдинг мени мухтож чучук сўзунгга.

\* \* \*

Асру кўп эмиш журъату химмат сизга,  
Рўзий килгай Худой нусрат сизга.  
Мардоналигингизни бори эл билди,  
Раҳмат сизга, хазор раҳмат сизга!

\* \* \*

Хар кимки вафо килса вафо топгусидур,  
Хар кимки жафо килса жафо топгусидур,  
Яхши киши ёмонлиг кўрмагай харгиз,  
Ха кимки ёмон бўлса жазо топгусидур!

\* \* \*

Жондин сени кўп севармен, эй умри азиз,  
Сондин сени кўп севармен, эй умри азиз,  
Хар неники севмак андин ортик бўлмаз,  
Андин сени кўп севармен, эй умри азиз.

\* \* \*

Такдир юки бошимга балолиг бўлди,  
Хар неники айладим хатолиг бўлди,  
Оз юртни кўйиб Хинд сори юзландим,  
Ё Раб нетайин, бу не юз каролиг бўлди.

\* \* \*

Ёд этмас эмиш кишини гурбатда киши,  
Шод этмас эмиш кўнгулни меҳнатда киши.  
Кўнглим бу гарибликда шод ўлмади, ох,  
Гурбатда севинмас эмиш, албатта, киши.

\* \* \*

Ахбоб, йигилмокни фарогат тутунгиз,  
Жамиятингиз борини давлат тутунгиз.  
Чун гардиши чарх бу дурур, тенгри учун,  
Бир - бирини неча куни ганимат тутунгиз.

\* \* \*

Туз ох, Захириддин Мухаммад Бобур,  
Юз ох, Захириддин Мухаммад Бобур,  
Сарриштаи айшдин кўнгулни зинхор  
Уз ох, Захириддин Мухаммад Бобур.

\* \* \*

Сен гулсену мен хакир булбулдирмен,  
Сен шуъласен,ул шуълага мен кулдирмен.

Нисбат йўқдур,деб ижтиноб айламаким,  
Шохмен элга,вале сенга кулдурмен.

#### ТУЮКЛАР

Васлдин сўз дерга йўк ёро манга,  
Хажр аро рахм айлагил, ёро, манга.  
Ўкунг этти кўп ёмон ёро манга,  
Мархами лутфунг била ёро манга.

\* \* \*

Улки, хар кўзи газоли Чиндурур,  
Кошида пайваэта онинг чиндурур.  
Чунки кўп ёлгон айтти ул манга,  
Гар десам ёлгончи они чиндурур.

\* \* \*

Мени бехол айлаган ёр ойдурур —  
Ким, онинг васли менга ёройдурур.  
Гар висоли бўлмаса, кетар ерим  
Ё Хуросон, ё Хитой, ё Ройдурур.

\* \* \*

Ишк ахли ишк дардини танинг,  
Кўп ёмондур, дарди ишкидин танинг.  
Хар неча кўзум оч эрса, кўз тўёр  
Гар очилса сиймдек нозик танинг.

\* \* \*

Мехрким, кўкка килур оханг тонг,  
Оллида бўлса, эмас беранг тонг.  
Холию икки лабидек бўлмагай,  
Хинду ар келтурса шаккар танг-танг.

\* \* \*

Кел, килай жонни нисоринг, о ёрим,  
Нақди жонни борму сендин оёрим?!  
Бўса берсанг гар тамом огзинг била,  
Кунжи огзингдин олойин оёрим.

\* \* \*

Сен киби бир дилрабони билманам,  
Ошики содикки дерлар, бил, манам,  
Кил тасаввур кўз ёшимни бир тенгиз,  
Ўзга ошик ашки янглиг билманам.

\* \* \*

То чикарди хат узори покидин,  
Гул юзи озурда бўлди покидин.  
Истар эрди эл бурун юз меҳр ила,  
Эмди ул юз меҳри кетти покидин.

\* \* \*

То кўнгул бердим ўшал койсорига,  
Боргонини билмадим кой сорига.  
Дўстлар, ёрга мени согиндурунг,  
Солсангиз ногаҳ кулок койсорига.

\* \* \*

Шах, супурай остонинг юз ила,  
Тийманакдин неча урай юз ила,  
Икки юзлук муддаийдин не гамим,  
Гар ишим тушса алардин юзила?!

\* \* \*

Не бало бийиктурур давлат тоги,  
Кўхи гамни не билур давлат тоги.  
Химмате тут, доги давлат истагил,  
Химматинг бўлса, бўлур давлат тоги.

\* \* \*

Жонга солди да?ф гурбат норини,  
Кўз ёшим бўлди мўгулнинг норини.  
Бу арода мен дегандек бўлмаса,  
Кўзлай Иссигкўлу андин норини.

\* \* \*

Каддимни фирок меҳнати ё килди,  
Кўнглум гаму андух ўтига ёкилди.  
Холимни сабога айтиб эрдим, эй гул,  
Билмон, санга шарх килмади ё килди?!

